

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА ГАВҲАР ИСЛОМОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАБИИЙ-ИЛМИЙ
ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Қосимова Гавхар Исломовна

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни
шакллантириш методикасини такомиллаштириш 5

Қосимова Гавхар Исломовна

Совершенствование методики формирования естественнонаучного
мировоззрения у учащихся начальных классов..... 23

Qosimova Gavhar Islomovna

Improving the methodology of forming a natural science worldview
in primary school pupils..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА ГАВҲАР ИСЛОМОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАБИИЙ-ИЛМИЙ
ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.Phd/Ped2727 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нуруллаева Шахло Ўктамовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна
педагогика фанлари доктори, доцент
Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "23" декабр оат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй). (Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "11" декабр да таркатилди (2021 йил "11" декабр даги 10 -рақамли ресстр баённомаси).



[Signature]
Р.Д. Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

[Signature]
И.Б. Камолов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д. (PhD), доцент

[Signature]
Х.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида амалга ошаётган ўзгаришлар, таълим тизими стратегиясидаги, педагогик парадигмалардаги янгиланишларга олиб келмоқда ва таълим муассаларининг янги кўринишлари ҳамда моделлари пайдо бўлмоқда. Инсон ва уни ўраб турган атроф оламга тадрижий таъсирларнинг янги даври, табиатни ўрганишнинг янги аксиологик усуллари талаб қилмоқда. Бу муаммолар психология-педагогика фанларида ўқувчиларнинг атроф оламга бўлган муносабатларини шакллантиришда, экологик онг ва маданиятни шакллантиришда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё илм-фани ҳамда таълим соҳасида инсонга табиий ва ижтимоий борлиқни ўрганиш жараёни фаол субъекти сифатида қараб келинмоқда. Жумладан, табиатни билишга бўлган интилиш илмий билимларнинг янги парадигмаларини ҳам ривожлантирмоқда. Замонавий таълим тизимларида моддий оламнинг элементар зарралар ва майдонлар, турли ўлчамдаги макроскопик жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонот олами, жонли, жонсиз табиат, сайёралар, юлдузлар ва ижтимоий уюшган материянинг моддий тизимлари ҳамда махсус турлари ҳақидаги қарашларни шакллантириш борасидаги қатор методикалар мавжуд. Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасини такомиллаштириш учун тавсия этиладиган методик таълим ўз ичига ахборот ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Мамлакатимиз узлуксиз умумий таълим тизимида бола шахсини ривожлантиришда реалликни англаш-тушуниш сўнгги йилларда муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттиришдир”¹. Бошланғич таълим даври боланинг табиий-креатив қобилиятларини ривожлантириш, дастлабки дунёқараш ва ғояларни, ўқув фаолиятида турғун ижобий мотивларни шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич таълим жараёнида атроф оламни ўрганиш доминанта ролини ўйнайди, атроф олам, табиат – инсоннинг мавжудлигидир, инсон – атроф олам, табиатнинг бир қисмидир, атроф олам ва табиат – шахс ўрганиши, билиши ва ривожланиши керак бўлган соҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 30 сентябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.

ПҚ-4467-сон “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги ВМҚ-187-сон “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги ВМҚ-1059 сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 14 декабрдаги ВМҚ-781 сон “2020-2025-йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Психология ва педагогикада ўқувчиларга таълим бериш жараёнида атроф оламни билиш ва уни ўрганиш жараён сифатида қаралиб, унинг натижасида тарихий жараёнда шаклланган қобилиятларни индивидум томонидан такрорланиши амалга ошади. Мазкур муаммо устида мамлакатимиз тадқиқотчи олимларидан Г.О.Комилова, М.Р.Халилова, Л.Ш.Шоносирова, Н.Атақулова, П.Юсупова каби олимлар изланишлар олиб борганлар. М.К.Ҳошимова, Ш.Авазов, М.М.Ибадуллаева, Н.Ашурова, Г.А.Султонова, А.Ҳайитов, М.Рахимқулова, Н.Ў.Нишонова, В.Н.Сатторов, Х.А.Раҳматова, П.Ў.Берданова, Э.Турдиқулов, Н.Бозорова, Г.О.Комилова, М.Раҳматуллаева, Н.Ж.Исақулова, И.Исмаатов, Н.Умарова, каби олимлар асарларида ёшлар экологик тарбияси, табиий фанларни ўқитишнинг умумпедагогик ва хусусий методик шарт-шароитлари тадқиқ этилган.

МДХ давлатлари олимлари Т.Байбородова, С.Бекетова, Б.И.Казаренков, М.Скаткин, Л.Григорьева, Е.Демьянков, М.Жўраев, О.Наумова, И.Пономарева, Н.Постнова, Ю.Чайковский, М.Базаева, М.Черницова, Ю.Масленникова, Т.Цаплиенко ва бошқалар томонидан табиий фанлар, жумладан, биология фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчилар ва талабаларда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг назарий асослари ва педагогик-психологик жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Табиат ва инсон муносабатлари, табиат ҳодисаларини фалсафий ва илмий талқини, инсоннинг табиий-илмий дунёқараши муаммолари устида хорижий олимлардан Ж. Бруно, Ф.Бэкон, Коперник, А.Венгер, А.З.Зак, А.Р.Лурия, Р.Берн, И.Унт кабилар тақиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари асосида ИТД-1. А-1-173-рақамли “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атроф оламни ўрганишнинг шахсга йўналтирилган назарий-методологик шарт-шароитлар ва тенденцияларни таҳлил қилиш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ҳамда жараённинг педагогик ва психологик шарт-шароитларини аниқлаш;

бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларида оламнинг табиий-илмий манзарасини шакллантиришдаги тарбиявий тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

педагогик эксперимент давомида табиатшунослик дарсларида ва дарсдан ташқари тадбирлар тизими асосида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини такомиллаштириш методикасининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини бошланғич синф ўқувчилари табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот жараёнида педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш, меъёрий-хукукий ҳужжатларни ўрганиш, кузатув, суҳбат, сўровнома, тест, моделлаштириш, диагностик методлар, математик-статистик таҳлил усулларида қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

табиий-илмий дунёқарашининг концептуал асоси (табиий илмий билимлар, қарашлар, идеал) ҳамда ишонч ва эътиқод каби мазмуний компонентлари идрок, диққат, ҳаёл, тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига кўра тавсифланган;

атроф олам табиий-илмий манзарасини бошланғич синф ўқувчиларида шакллантириш модели жараёндаги яхлитлик, узвийлик, узлуксизлик, интегративлик ва кўргазмалилик тамойиллари ҳамда табиий-илмий дунёқарашнинг табиий-илмий билимлар, қарашлар, табиий илмий идеал, ишончнинг мавжудлиги каби мезонлари асосида, синф ва синфдан ташқари тадбирлар йўналишларида такомиллаштирилган;

табиий жараёнлар, ҳодисаларни яхлит ва тизимли тарзда ўзлаштиришлари учун бошланғич синф ўқувчиларини атроф олам ҳақидаги табиий-илмий билимларининг интеграциялашуви, атроф оламни тизимли ўзлаштириш ҳаракат механизмида намоён бўлиши виртуал экспедиция, имитацион

дидактик ўйинлар, эркин топшириқлар тизими мазмунига таянган ҳолда табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш методикаси бойитилган;

ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини такомиллаштириш методикасининг муҳим компоненти сифатида синфдан ташқари тадбирларнинг болалар пропедевтик курслари, болалар экоклублари, фан тўғараклари фаолиятини ташкил этиш механизмлари концептуаллик, интегративлик, вариативлик тамойилларига таянган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларида атроф олам ҳақидаги табиий-илмий билимларни шакллантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга ошириш табиат, инсон ва жамият тўғрисидаги амалий йўналтирилган билим асослари билан болаларни ўзлаштириш бўйича фаолиятни тартибга солишга ёрдам беради; уларни атрофимиздаги олам билан боғлиқ қадриятларни таништириш, жамият ва табиат билан ўзаро муносабатларнинг рационал-илмий билимлар ва ҳиссий-қадриятлар орқали англаш каби шахсий тажрибаси бирлиги асосида дунё ҳақидаги билимларни ўзлаштиришга имкон яратилган;

тўпланган эмпирик материаллар, ишлаб чиқилган сўровномалар, анкеталар, тестлар, методлардан, хулосалар ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари таълими жараёнида, малака ошириш институтларида ва шу қабиларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги белгиланган тадқиқот мақсади, вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган маълумотларнинг илмий ва расмий манбалардан олинганлиги, таҳлилларнинг илмий ва амалий жиҳатдан асосли эканлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг тадқиқот усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг атроф олам ҳақидаги табиий илмий тасаввурларини шакллантиришни таъминлаш тизимлаштирилган ва бошланғич таълимда компетентли ёндашувни амалга ошириш шартларининг келтирилганлиги, танланган мезонлар, кўрсаткичлар ва уларнинг даражалари динамикасининг назарий аҳамияти, яъни ахборот-репродуктив, рефлексив-продуктив ва ижодийлиги башоратлаш, сифатли мониторинг қилиш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида атроф олам ҳақидаги табиий илмий тасаввурларни шакллантиришнинг асосий восита, метод, ташкилий шакл, усул ва услублари очиб берилганлиги, бошланғич синфларда атроф олам ҳақидаги табиий-илмий билимларни тақдим этиш амалиёти нуқтаи назаридан кўшимча курслар киритилиб, бошланғич синф ўқувчилари илмий дунёқарашда оламнинг замонавий табиий-илмий манзарасини шакллантириш ҳамда уларни дидактик-методик тақдим этиш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим ва тарбия тизимида ўқувчиларни табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш бўйича тайёрланган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бошланғич синф ўқитувчиларини табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш жараёнини тизимли ташкил этишга тайёрлаш методикасига доир назарий қарашлар, тажрибалар, методикалар умумлаштирилган ҳолда “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи, 356//118-сон гувоҳнома). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини методик жиҳатдан тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасига доир табиатшунослик дарсларини самарали ташкил этишга доир интерактив методлар, дидактик ўйинлар, “Виртуал экспедиция” материалларидан Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 08 августдаги 01/11-01/10-1204-сон – маълумотномаси). Натижада бошланғич таълим тизими олдига қўйилаётган бугунги стратегик талабларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади;

бошланғич синф ўқувчиларининг дарсдан ташқари фаолиятлари давомида экоклуб ва тўғараклар фаолиятларини ташкил этиш, эркин топшириқлар тизимини яратишга доир тажрибаларидан ҳамда синфдан ташқари жараёнда ўқувчилар фаолиятини рационал ташкил этишга доир илмий хулосаларидан Ф3-22020001064 “Олий таълим муассасалари негизида мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ)нинг замонавий дидактик методика таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 08 августдаги 01/11-01/10-1204-сон маълумотномаси). Натижада кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим-тарбияси тизимини самарали уюштиришга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 18 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий журналларда, 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шахс табиий-илмий дунёқарашини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “дунёқараш” ва “табиий-илмий дунёқараш” тушунчаларининг моҳияти очиб берилган, ушбу тушунчага доир Шарқ мутафаккирлари, педагог ва психолог олимларнинг илмий ҳамда амалий қарашлари таҳлил қилинган, кичик мактаб ёшидаги болаларда табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришнинг ўзига хослиги ва психологик ҳамда педагогик шарт-шароитлари таҳлил қилинган.

Табиат, бизни ўраб турган атрофимиздаги олам – бир-бири билан мураккаб ва турли хил боғланишда бўлган ва мегатизимни ташкил этувчи объект ва ҳодисалар тўпламидир. Дунёқараш дунёнинг инсон онгидаги ўзига хос инъикоси бўлиб, инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англашининг алоҳида шаклидир. Дунёқараш инсоннинг уни қуршаб турган дунёга бўлган муносабатларини ифодалайдиган муайян кўникмалари, билимларидир. Дунёқараш, шу билан бирга, инсоннинг дунёни маълум даражада тушуниши, англаши, билиши, баҳолаши ва шулар асосида амалий ўзлаштириши ҳамдир. У инсоннинг дунёни бир бутун ёки турли-туман ҳолда кўриши, идрок этиши, тасаввур қилиши, тушуниши, инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилиши ҳамдир.

Ўрганилаётган муаммода тафаккур қилиш жараёни бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Тафаккурнинг турли кўринишлари ажратиб олинди: назарий, эмпирик, мулоҳазавий-эмпирик, амалий-таъсирчан, кўргазмали-образли, аклий ва мулоҳазавий, дискурсив ва интуитив, продуктив ва репродуктив.

2. Билим олишга доир назарий фаолият ўлароқ тафаккур амал, хатти-ҳаракат билан жуда яқин алоқага эга. Фикр юритиш билан боғлиқ барча операциялар, аввало, амалий операциялар сифатида вужудга келган ва фақат шундан сўнг назарий фикрлаш операцияларига айланган.

3. Боланинг фикрлаши ўсиши бир қанча жабҳада рўй беради: бевосита амалий, образли ва нутқ жабҳаларида. Уларнинг бари ўзаро боғлиқ ва бир бири билан ўзаро муносабатга киришади.

4. Тафаккур – ҳар қандай бошқа фаолият учун муҳим тағзамин, негаки, бошқа фаолият пировардида ихчамланган ва қайта ишланган тажрибадир.

5. Бошланғич мактабда тафаккурни ривожлантиришда энг муҳим йўналишлардан бири фикр юритиш амалларини ривожлантириш саналади.

6. Таҳсил ва инсоннинг психик камоли ўртасида доим тегишли кўлам ва мазмунга эга фаолият, яъни предметли фаолият туради.

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришга доир олиб бораётган тадқиқотларимиз давомида ўқувчиларнинг табиий-илмий билимларни ўзлаштириш жараёнининг психологик асосларига таянамиз. Билимларни ўзлаштиришнинг биринчи босқичи *импрессинг* (инглизчадан *impression* – таассурот маъносини англатади) босқичидир. Дидактик нуқтаи назардан қараганда импрессинг босқичида ўқувчиларда янги ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув фани ҳақида умумий маълумотлар берилади, ушбу фаннинг инсон ҳаётида эришадиган ютуқларидаги ўрни, аҳамияти, фаннинг тарихи ҳақида кириш суҳбати ташкил этилади.

Билимларни ўзлаштиришнинг кейинги босқичи – *меморайзинг* (инглизчадан *memorize* – ёд олмоқ маъносини англатади) деб номланади. Янги ахборотларни фаол ўзлаштириш билан тавсифланади. Ушбу босқичда ўқув материални ўзлаштириш, уйга бериладиган ва мустақил топшириқларни бажариш, саволларга жавоб излашга доир тадбирлар тизими амалга оширилади.

Билимларни ўзлаштиришнинг учинчи босқичи *интериоризация* босқичи деб номланиб, бу босқичда билимларни ўзлаштириш, мавжуд билимлар доираси, яъни шахсий тажрибалари қаторига қўшиш жараёни содир бўлади. Дидактик нуқтаи назардан эса табиий-илмий билимлар, қарашлар, кўникмалар шаклланиши ва автоматлашиши жараёни содир бўла бошлайди.

Ижтимоийлашув босқичида ўзлаштирилган билимларни социумда намойиш қилиниши билан тавсифланади. Ушбу босқичда оламнинг табиий-илмий манзарасини ижодий ўзлаштиришга стимул берувчи табиий-илмий эътиқодлар тизими шаклланади.

Табиий-илмий билимларни ўзлаштиришнинг сўнгги босқичи – *инициация* деб номланади. Инициация жараёнида дидактик жиҳатдан қараганда ўзлаштирилган билимларни баҳолаш жараёни амалга оширилади.

Демак, бошланғич таълим ўқувчилари табиатни идрок этиш ва ўрганишларида табиий-илмий тафаккурини ривожлантириш уларнинг ёши ва индивидуал ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Табиатни илмий билишнинг умумий қонуниятлари билан бирга бошланғич синф ўқувчилари учун уларнинг идрок этиши, диққати, тасавури, тафаккурининг ўзига хослиги тавсифли бўлиб, атроф оламни табиий-илмий манзарасини уларда шакллантиришда ана шуларни ҳисобга олиш зарурдир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш мазмуни**” деб номланган. Ушбу бобда бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш модели тайёрланган ва ушбу моделга асосланган ҳолда ўқувчиларда дарсда ва дарсдан ташқари фаолиятлари давомида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш мазмуни ўз ифодасини топган.

Бошланғич мактабда атроф олам ҳамда табиат илмига оид тасаввурларни шакллантириш модели ўзаро алоқадор методологик ёндашувлар ва

функциялар, таҳсилнинг дидактик тамойиллари, мақсадлари ва вазифалари, таҳсил мазмунининг компонентлари, методлари, ташкилий шакллари, усуллари ва йўл-йўриқлари, ўқув амалларини ўзлаштириш, билим олишдаги фаоллиги даражасини акс эттирувчи натижалар тизимини ўзида ифода этади.

Ушбу модель очик, яхлит ва динамик тарзда ривожланувчи тизим сифатида гавдаланади. Бу тизим методологик, мазмуний, фаолиятга оид ва натижавий компонент-блокларидан таркиб топган (1-расм).

Табиий-илмий дунёқараш қуйидаги компонентлардан иборат: табиий-илмий билимлар, табиий-илмий қарашлар, идеал, ишонч, эътиқод.

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни таркиб топтиришга доир илмий изланишларимиз асосида шахс табиий-илмий дунёқарашни хусусидаги таҳлилларни қуйидагича умумлаштирамиз:


1. Табиий-илмий дунёқараш табиий-илмий билимларни ўзлаштиришдан бошланиб, табиий-илмий қарашлар ва идеалларни шакллантириш, ўз билим ва тажрибалари асосли эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва ушбу ишонч асосида ақидаларни таркиб топтириш каби компонентлардан иборатдир.

2. Табиий-илмий дунёқараш таълим-тарбия маҳсули сифатида педагог-ўқувчи муносабатлари асосида шаклланади. Табиий-илмий билимлар, қарашлар, идеаллар, ишонч ва ақидалар таълим жараёнининг дидактик таъминотини такомиллаштириш асосида, муаммоли вазиятларни самарали ташкил этиш, виртуал ўқув материалларини ва кузатиш, кўргазмалилик, моделлаштириш методларини тўғри қўллаш асосида шакллантирилади.

3. Синфдан ташқари тадбирларни уюштириш табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришда асосий таълим шаклларида бири ҳисобланади. бугунги кундаги ахборот коммуникацион технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда ушбу тадбирларни анъанавий экскурсия, виртуал экскурсия, викториналар, онлайн олимпиадалар тарзида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг оламнинг табиий-илмий манзараси асосидаги илмий дунёқарашини шакллантиришда асосий мезон сифатида қуйидагиларни танлаб олдик:

- *табиий-илмий билимларни эгаллаш;*
- *табиат ҳодисаларига нисбатан ўз қарашлари ва муносабатларини билдира олиш;*
- *табиий-илмий тушунчалар асосидаги идеалнинг мавжудлиги;*
- *табиий-илмий билимлари ва тажрибасига ишонч.*



1-Расм. Бошланғич мактабда атроф олам ҳамда табиат илмига оид тасаввурларни шакллантириш модели.

Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражасини тўрт даражада – юқори, яхши, ўрта ва қуйи даражаларда баҳоладик.

Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикаси тизимидаги асосий йўналишдан бири бу – бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитиш жараёнида амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олади. Бундай машғулотлар давомида қуйидаги методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик:

1. “Виртуал экспедиция”.

2. Интерактив методлар (“Блиц-сўров”, “Синквейн”, “Кластер”, “Ментал харита”, “Зинама-зина”, “Нима учун? иерархик диаграммаси, “Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча” каби методлар) ва ҳ.к.).

3. Дидактик ўйинлар (*Экотуризм*”, “*Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчаси*”, “*Сеҳрли суратлар*”, “*Давом эттир*”, “*Тугалланмаган расм*”, “*Йўлда нимани кўрдинг*”, “*Ким яхши эшитади*”, “*Ҳидлаб бил*” каби).

4. Интеграциялашган топшириқлар (“*Ким кўпроқ билади*” топшириғи “Оригами” топшириғи).

5. Лаборатория ишлари.

Ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган табиатшунослик дарсларида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши назарда тутилади:

- шакллантирилиши лозим бўлган табиий-илмий билимлар доираси ва мазмунини аниқлаштириш;

- тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган методлардан фойдаланиш (замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда);

- табиатшунослик дарслари учун зарурий бўлган таълим воситалари, жиҳозлари, виртуал материалларни тайёрлаш;

- ўқувчиларни табиий-илмий тушунчаларни тизимли ўзлаштиришга ва мустақил фаолиятга тайёрлаш.

Бошланғич синф ўқувчилари табиий-илмий дунёқарашини шакллантиришга доир олиб борган тадқиқотларимиз давомида синфдан ташқари тадбирларни қуйидаги йўналишларда амалга оширишга ҳаракат қилдик:

1. Болалар экоклублари (“Терра” экоклуби).

2. Тўғараклар (“Фауна”, “Флора” тўғараклари).

3. Мусобақалар (викториналар, онлайн викториналар).

4. Эркин топшириқлар.

Синфдан ташқари тадбирлар тизими доирасида бошланғич синф ўқувчилари табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

1. Белгиланган дастурни амалга ошириш, натижаларни умумлаштириш ва коррекциялашга доир қатъий тизим асосида иш олиб бориш.

2. Синфдан ташқари тадбирларнинг ўқув дастури билан узвийлигини ҳамда ҳаёт билан боғлиқлигини таъминлаш.

3. Ўқувчиларнинг табиат билан алоқасини ҳамда ижтимоийлашувини таъминлаш.

4. Ўқувчиларнинг табиий-илмий билимлар доирасидаги тадқиқотчилик ва амалий фаолиятлари интеграциясини йўлга қўйиш.

5. Ўқувчиларда табиий-илмий дунёқараш билан бир қаторда экологик масъулиятни ҳам шакллантиришга эътибор қаратиш.

6. Табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнига фанлараро алоқадорликни таъминловчи интеграциявий, ўқувчилар қизиқиш, эҳтиёж ва имкониятларини инобатга олувчи индивидуал ва шахсий ёндашувлардан самарали фойдаланиш.

7. Табиий-илмий дунёқарашни амалий-йўналтирилган ёндашув асосида шакллантиришга ҳаракат қилиш. Яъни билимлар уни бойитиш учун эмас, амалий жараёнда фойдаланиш учун ўзлаштирилишига эътибор қаратиш.

8. Табиатшуносликдан синфдан ташқари тадбирларни ташкил этишда инсонпарварлик, демократик ва экологик тамойилларга амал қилиш, имконияти чекланган (жисмоний ёки моддий, маънавий) ўқувчилар фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

“Бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнини экспериментал ўрганиш” деб номланган учинчи бобда тадқиқот муаммосига доир олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари баён этилди.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методика Қашқадарё вилоятидаги 39-, 8-, 41-умумий ўрта таълим мактаблари, Сурхондарё вилоятидаги 5-, 22-, 34-умумий ўрта таълим мактаблари, Бухоро вилоятидаги 4-, 10-, 12-умумий ўрта таълим мактабларида синовдан ўтказилди. Педагогик экспериментда 1169 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди. Тажриба синов ишларининг биринчи босқичида ҳар бир умумий ўрта таълим мактабининг 3- ва 4-синфларидан тажриба ва назорат гуруҳлари танлаб олинди. Ўқувчиларда табиий-илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида 20 тадан тест саволлари билан мурожаат қилдик. Саволларни тузишда муқобилликка доир, таснифлашга доир тест турларидан фойдаланилди. Ҳар бир тўғри ва тўлиқ жавоб учун 3 балдан белгиланди.

Тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларидан олинган натижалар қуйидагича бўлди:

Бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий дунёқарашини шаклланганлик даражаси (тажриба бошида)

Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари		Назорат гуруҳлари	
	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Юқори	77	13,3	76	12,9
Яхши	177	30,5	177	30,1
Ўрта	269	46,4	269	45,7
Паст	57	9,8	67	11,4
	580	100	589	100

Тажриба бошидаги кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, тажриба ва назорат учун танлаб олинган гуруҳлардаги ўқувчиларнинг табиий-илмий билимларни ўзлаштирганлик даражаси деярли тенг. Ҳар иккала гуруҳ ўқувчилари ҳам табиат ҳодисалари, атрофимиздаги олам ҳақидаги саволларга муносабат билдиришда, асосан, дарслик материалларига таянадилар.


Тажриба-синов ишларининг навбатдаги босқичида тажриба гуруҳларида тадқиқотимиз давомида такомиллаштирилган методика асосида дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар ташкил этилди. Яъни дарс давомида АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда “Виртуал экспедиция” методидан, интерактив методлардан, дидактик ўйинлардан фойдаландик. Шунингдек, бир қатор синфдан ташқари тадбирлар ташкил этилди. Синф ўқувчилари “Терра” клубига ҳамда тўғарақларга жалб этилди, эркин топшириқлар берилди. Ушбу тадбирлар давомида ўзлаштирилган табиий-илмий билимлар асосида табиий-илмий қарашлар, эътиқод ва табиий-илмий дунёқараш шакллантирилишига эътибор қаратилди.

Кейинги босқичда амалда қўлланилган методиканинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳи ўқувчиларида табиий-илмий дунёқараш шаклланганлик кўрсаткичларини аниқладик.

Бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий дунёқарашини шаклланганлик даражаси

Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Аъло	77	13,3	148	25,5	76	12,9	113	19,2
Яхши	177	30,5	261	45,0	177	30,1	231	39,2
Қониқарли	269	46,4	171	29,5	269	45,7	209	35,5
Қониқарсиз	57	9,8	0	0,0	67	11,4	36	6,1
	580	100	580	100	589	100	589	100

Тажриба-синов ишида иштирок этган бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашнинг шаклланганлик динамикасини умумий ҳолда келтирдик. Ушбу натижалар яққолроқ кўриниши учун диаграмма кўринишида келтириб ўтамиз:



1-расм. Бошланғич синф ўқувчилари табиий-илмий дунёқарашининг ўсиш динамикаси

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стьюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

3-жадвал

	1-танланма					
Тажриба гуруҳи	X_i	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	n_i	148	261	171	0	$n=580$
	2-танланма					
Назорат гуруҳи	Y_j	Юқори	Яхши	Ўрта	Паст	Жами
	m_j	113	231	209	36	$m=589$

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{580} (148 \cdot 5 + 261 \cdot 4 + 171 \cdot 3 + 0 \cdot 2) = \frac{1}{580} (740 + 1044 + 513 + 0) = \\ &= \frac{2297}{580} = 3,96 \approx 3,9 \end{aligned}$$

$$\text{Фоизда } \overline{X\%} = \frac{3.96}{3} \cdot 100\% = 132\%$$

$$\begin{aligned} \bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{589} (113 \cdot 5 + 231 \cdot 4 + 209 \cdot 3 + 36 \cdot 2) = \frac{1}{589} (565 + 924 + 627 + 72) = \\ &= \frac{2188}{589} = 3,71 \approx 3,7 \end{aligned}$$

$$\text{Фоизда } \overline{Y\%} = \frac{3,71}{3} \cdot 100\% = 123\%$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(132 - 123) \cdot \% = 9\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{132\%}{123\%} = 1,07$ баробар ортиқлигини англатади.

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан юқори экан: $\overline{X} > \bar{Y}$.

Ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларни ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб, танланма дисперцияларни ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} D_n &= \sum_{i=1}^3 \frac{n_i (x_i - \bar{X})^2}{n-1} = \frac{148(5-3,9)^2 + 261(4-3,9)^2 + 171(3-3,9)^2 + 0(2-3,9)^2}{320} = \\ &= \frac{148 \cdot 1,21 + 261 \cdot 0,01 + 171 \cdot 0,81 + 0 \cdot 3,61}{579} = \frac{179,08 + 2,61 + 138,51 + 0}{579} = \frac{320,2}{579} \approx 0,55 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} D_m &= \sum_{j=1}^3 \frac{m_j (y_j - \bar{Y})^2}{m-1} = \frac{113(5-3,7)^2 + 231(4-3,7)^2 + 209(3-3,7)^2 + 36(2-3,7)^2}{588} = \\ &= \frac{113 \cdot 1,69 + 231 \cdot 0,09 + 209 \cdot 0,41 + 36 \cdot 2,89}{588} \approx \frac{190,97 + 20,79 + 85,96 + 104,04}{588} = \\ &= \frac{401,76}{588} \approx 0,68 \end{aligned}$$

$$\tau_n = \sqrt{0,55} \approx 0,74; \quad \tau_m = \sqrt{0,68} \approx 0,82.$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз:

Булар асосида ҳар икки гуруҳ учун вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$\delta_n = \frac{\tau_n}{X} = \frac{0,74}{3,9} \approx 0,189; \quad \delta_m = \frac{\tau_m}{Y} = \frac{0,82}{3,7} \approx 0,221;$$

$$\alpha = \delta_m - \delta_n = 0,22 - 0,18 = 0,04.$$

Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha=0,04$ деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нуқта $t_{\text{кн}}$ ни

$$\Phi(t_{\text{кн}}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,04}{2} = \frac{0,88}{2} = 0,46$$

$\Phi(t_{кн}) = 0,46$ эканлигини топамиз. Лаплас функцияси жадвалидан критик нуқта $t_{кн} = 1,76$ эканлигини аниқлаймиз. Бундан тажриба гуруҳининг баҳолашни ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_n = t_{кн} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,76 \cdot \frac{0,74}{\sqrt{580}} = \frac{1,30}{24} \approx 0,05 \text{ га тенг, назорат гуруҳида эса:}$$

$$\Delta_m = t_{кн} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 1,76 \cdot \frac{0,82}{\sqrt{589}} = \frac{1,30}{24,2} \approx 0,05 \text{ гатенг.}$$

Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервални топсак:


$$\bar{X} - t_{кн} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кн} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}};$$

$$3,9 - 0,05 \leq a_x \leq 3,9 + 0,05 \quad 3,85 \leq a_x \leq 3,95 \text{ га тенг.}$$

Назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{кн} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кн} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

$$3,7 - 0,05 \leq a_x \leq 3,7 + 0,05 \quad 3,65 \leq a_x \leq 3,75 \text{ га тенг.}$$



Уларнинг геометрик тасвири қуйидагича:

Демак, $\alpha = 0,04$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 3,9$; $\bar{Y} = 3,7$; $\delta_n = 0,189$; $\delta_m = 0,221$ га тенг.

Бундан ўқитиш самарадорлиги кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_{ycб} = \frac{(\bar{X} - \delta_n)}{(\bar{Y} + \delta_m)} = \frac{3,9 - 0,189}{3,7 + 0,221} = \frac{3,711}{3,921} = 0,94 > 0;$$

Билиш даражасини эса қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$K_{бдб} = (\bar{X} - \delta_n) - (\bar{Y} - \delta_m) = (3,9 - 0,18) - (3,6 - 0,21) = 3,72 - 3,49 = 0,23 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезонин олдан катталиги ($K_{ycб} = 0,94 > 0$) ва билиш даражасининг баҳолаш мезонин олдан катталигини ($K_{бдб} = 0,23 > 0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезонин олдан катта

экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 9;$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 9 %га ошганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган синфда ва синфдан ташқари жараёнда амалга ошириладиган ишлар методикаси самарадор эканлигидан далолат берди. Умумий ўрта таълим мактабларида асалга оширилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистик жиҳатдан исботланди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ва синфдан ташқари жараёнда ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилган тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Табиатдаги ҳодисалар, жараёнлар ва содир бўлаётган эволюцион ўзгаришлар табиатнинг аъзоси сифатида инсон ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларга сабаб бўлади. Ўз навбатида, инсон табиатдаги ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ушбу ўзаро таъсир ва алоқадорлик қонунияти, табиат инжиқликларини енгиш ва табиат неъматларидан фойдаланиш эҳтиёжи инсониятни табиат сирларини ўрганишга, табиий-илмий билимларни ўзлаштиришга ундаб келган. Замонавий илм-фан тараққиёти ва педагогик фанлар тизимида табиий-илмий билимларни ўзлаштириш ҳамда табиий фанларни ўқитиш тизимида инсон-табиат муносабатларига устуворлик бериш ва экологик маданиятни таркиб топтириш тенденцияси етакчилик қилишини кузатишимиз мумкин.

2. Изланишларимиз асосида бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда атрофимиздаги олам ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларни шакллантиришнинг модели ишлаб чиқилиб, уни самарали амалга оширишнинг дидактик ва методик шартлари, бошланғич синф ўқувчилари табиий-илмий таълимининг ташҳислаш ва сифатини назорат қилишнинг дидактик воситалари аниқланган. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларида атроф олам ҳақидаги табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш модели ўзаро боғлиқ: мақсадли, мазмунли ва натижавий блок-компонентларнинг ажралмас тизимини ташкил этади. Табиий ва ижтимоийлашган табиатнинг ўзига хос хусусиятлари, бошланғич таълимда сифатли мониторингни амалга ошириш – методик шартларни ва табиатшунослик ғояларини шакллантириш жараёни самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

3. Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш методикасини такомиллаштириш учун тавсия этиладиган методик тизим ўз ичига ахборот ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни назарда тутди. Ушбу методик тизим таркибига кирувчи “Виртуал экспедиция” методикаси, интерактив методлар, табиий жараёнларни кузатишга қаратилган дидактик ўйинлар ва эркин топшириқларнинг ўзаро уйғунликда ва тегишли принциплал талаблар асосида ташкил этилиши жараён самарадорлигини таъминлайди.

4. Синфдан ташқари тадбирлар тизими ўқувчилар бўш вақтини рационал ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш билан бир қаторда, дарс машғулотлари давомида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Бошланғич синф табиатшунослик дарсларида ўқувчилар табиий-илмий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган методика билан бир қаторда дарсдан ташқари вақтларда тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган дастурлар асосида экоклуб ва тўғараклар фаолиятини ташкил этиш, онлайн-викториналар ва эркин топшириқлар тизимидан фойдаланиш ўқувчилар табиий-илмий билимлари асосида дунёқарашнинг табиий-илмий қарашлар, идеал, ишонч ва эътиқод каби компонентларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

5. Тадқиқот муаммосига доир педагогик эксперимент давомида бошланғич синф ўқувчиларининг атроф-олам ҳақидаги билимларни ўзлаштириш мезонлари хусусиятлари, тадқиқот методлари ва табиий-илмий компетентлиги динамикаси батафсил очиб берилган. Белгиланган мезон динамикаси ва бошланғич синф ўқувчиларининг табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларининг натижалари, унинг компонентлари ижобий динамикаси: табиий-илмий билимлар, мотивация, ўқув ҳаракатларини ўзлаштириш, атроф олам ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида билиш фаоллиги ҳамда бошланғич таълимда атроф олам ҳақида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш моделининг самарадорлигидан далолат беради.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Бошланғич синф табиатшунослик дарслари ва табиий-илмий дунёқарашни ривожлантириш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар тизимида фойдаланиш учун виртуал ўқув материаллари, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва моделларни такомиллаштириш лозим. Чунки дунёқарашни шакллантиришда уларнинг ўрни ва имконияти жуда катта бўлиб, уларни илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириб бориш ўқувчиларнинг қизиқишларини оширади.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг табиатни, табиат ҳодисаларини ўрганишга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда “Флора”, “Фауна”, “У ким? Бу нима?” электив курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай курслар давомида ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида табиий-илмий дунёқарашини шакллантириш имконияти жуда кенгдир.

3. Синфдан ташқари тадбирлар давомида табиий қўриқхона ходимлари, экология қўмитаси вакиллари, экологик партия аъзоларини таклиф этиш, ўқувчилар билан ташкил этиладиган саёҳатларга ота-оналарни ҳам жалб этиш тарбиявий тадбирлар сифати ва мазмундорлигини таъминлайди. Шу билан бирга, синфдан ташқари тадбирларда ўқувчиларнинг оила аъзолари билан бирга иштирок этишлари ота-оналар ва ўқувчилар масъулиятлилигини, табиат олдидаги жавобгарлик ҳиссини ривожлантиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОСИМОВА ГАВХАР ИСЛОМОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ
ЕСТЕСТВЕННОНАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (начальное образование)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Карши – 2021

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.PhD/Ped2727.

Докторская диссертация выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Нуруллаева Шахло Уктамовна
кандидат педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна
доктор педагогических наук, доцент

Карлыбаева Гулжахан Ермакбаевна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Джиззакский педагогический институт

Защита диссертации состоится «23» XII 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёной степени PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17). (Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru). Каршинского государственного университета, Педагогически факультет кабинет 301.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 46). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, дом 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: kardu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «23» XII 2021 года (протокол рассылки № 10 от «23» XII 2021 года).



Р.Д. Шодиев
Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.п.н., профессор

И.Б. Камолов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О. Жураев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени, д.п.н. (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Происходящие в мировой системе образования изменения приводят к нововведениям в стратегии системы образования и педагогических парадигмах. Также появляются новые взгляды и модели образовательных учреждений.

Новый период эволюционных влияний на человека и окружающий его мир требует новых аксиологических методов изучения природы. В психолого-педагогических науках эти проблемы привлекают особое внимание формированию у учеников отношения к окружающей среде, экологического сознания и культуры. Основной целью является раскрыть в образовательном процессе роль и значение человека в окружающем нас мире с природной, социальной и духовной точки зрения.

В научной и образовательных областях мира человек рассматривается как активный субъект процесса изучения природного и общественного существования. В частности, желание познать природу также развивает новые парадигмы научных знаний. Современные системы образования имеют ряд методик формирования представлений об элементарных частицах и полях материального мира, макроскопических телах разного размера, флоре и фауне, живой и неодушевленной природе, планетах и звездах, а также материальных системах и особых типах социально организованной материи. Человек не может указать время возникновения жизни на нашей планете, момент появления первых мыслящих существ в биосфере, так как все качественные изменения в развитии вселенной происходят незаметно. Однако разум и естественнонаучное мировоззрение формируются на основе определенных законов. Современные образовательные системы имеют важное значение в возникновении всей истории космического развития как высшей формы естественнонаучного мировоззрения личности, отражения объективного мира, совершенствования форм активного отражения действительности.

За последние годы, в системе непрерывного общего образования нашей страны одним из важнейших факторов является осознание-понимание реальности в развитии личности ребенка. «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение потенциала качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹. Период начального образования имеет особую важность для развития у ребенка природно-творческих способностей, формирования начальных мировоззрений и представлений, устойчивых положительных мотивов в учебной деятельности. В процессе начального образования изучение окружающей среды играет доминирующую роль, окружающая среда, природа – это существование человека, человек – это

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6.

часть окружающей среды, природы, окружающая среда и природа – это одна из областей, которую человек должен изучить, знать и развивать.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5712 от 29 апреля 2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4467 от 30 сентября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению эффективности внешкольного образования в системе народного образования», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования», № 1059 от 31 декабря 2019 года «О мерах по реализации и утверждения Концепции непрерывного духовного воспитания», № 781 от 14 декабря 2020 года «Об утверждении Национальной программы развития и поддержки культуры чтения на 2020-2025 годы», а также в других нормативно-правовых документах в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способы их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В психологии и педагогике, познание и изучение окружающего мира в обучении учеников рассматривается как процесс, в результате которого происходит повторение индивидом способностей, сформированных в историческом процессе. По этой проблеме были проведены исследования учёными нашей страны как Г.О. Комилова, М.Р. Халилова, Л.Ш. Шоносирова, Н. Атакулова, П. Юсупова. В работах М.К.Хошимовой, Ш. Авазова, М.М. Ибадуллаевой, Н. Ашуровой, Г.А. Султоновой, А. Хайитова, М. Рахимкуловой, Н.О. Нишоновой, В.Н. Сагторова, Х.А. Рахматовой, П.У. Бердановой, Э. Турдикуловой, Н.Бозоровой, Г.О.Комиловой, М.Рахматуллаевой, Н.Я. Исакуловой, И.Исматова, Н.Умаровой и др. были изучены общепедагогические и частные методические условия экологического воспитания молодежи и преподавания естественных наук.

